



## ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ КУРСАНТЛАР ВА ТИНГЛОВЧИЛАРИНИНГ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ ВА МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Пардаев Хуршид Олимович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти  
отряд командири, майор

<https://www.doi.org/10.37547/ejar-v03-i02-p1-01>

### ARTICLE INFO

Received: 23<sup>th</sup> January 2023

Accepted: 31<sup>th</sup> January 2023

Online: 01<sup>st</sup> February 2023

### KEY WORDS

Ички ишлар органлари,  
курсант, тингловчи,  
ватанпарварлик, тарбия,  
этика, эстетика, маънавий-  
маърифий ишлар, ҳарбий  
тайёргарлик.

### ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсант ва тингловчилари ватанпарварлик тарбияси ва маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш зарурлигининг долзарб масалалари кўрилган, ҳарбий таълим соҳасида уларни бу борада юзага келаятган муаммолар, уларнинг ечимлари, ушбу фаолиятни янада такомиллаштиришга оид фикр-мулоҳазалар ёритилган ҳамда таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ва масъулиятли ишга бағишлаган ва буни ҳар куни, ҳар дақиқада амалда исботлаётган аскар ва офицерларимиз бизнинг фахримиз ва ғуруримиздир. Айниқса, ўтган йили ўз вазифасини адо этиш билан бирга, халқимиз бошига тушган оғир синовларни мардона енгиб ўтишда уларнинг хизматлари нечоғли катта бўлганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди»[1] дир.

Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги шахс манфаатларини рўёбга чиқариш учун шароитлар яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаятган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Шундай экан, ички ишлар органлари олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган курсантларимизни Ватан ва миллат манфаатлари йўлида фидойилик кўрсата оладиган, ҳарбий бурч моҳиятини ва қадрини англайдиган, Ватанни ҳар қандай хавф-хатардан асрашни ўзининг муқаддас бурчи деб биладиган, муайян мутахассисликни чуқур эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, маънавий ва жисмонан баркамол инсон сифатида тарбиялаш энг долзарб вазифамиз бўлмоғи даркор[2, с.146].

Ички ишлар вазирлиги Академиясида таҳсил олаётган курсант ва тингловчиларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол шаклланиши учун уларда фақатгина ўқишга интилиш ҳиссини такомиллаштириш билан чекланиб бўлмайди. Улар онгида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларини тарбиялаш билан ўз Ватани ва халқига нисбатан садоқатни шакллантириш, атроф-муҳитга нисбатан онгли муносабатда бўлиш туйғусини ҳамда маънавий-маърифий онгини ривожлантириш лозим бўлади. Бунинг учун эса расмий машғулотлардан ташқари таълим ва илмий



тўғаракларга алоҳида (курсантларни фикрлашга ундаш ва шу фикрларига уларнинг кўзи орқали ёндашишга) эътибор бериб, уларни урф-одатларимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ҳамда ўз касбининг моҳир устаси бўлишлари учун ундашга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси курсантларини доимий равишда фан ва маданиятнинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор қилиб туриш улар онгини ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қилиш муҳим аҳамиятга эга. Курсантларининг қизиқишига асосланган ҳолда қуйидаги йўналишлар бўйича олиб бориш тавсия этилади: тартиб-интизом, қонунчиликка риоя қилиш; Ватанга муҳаббат, садоқат ва комил инсон тарбияси; этика ва эстетик йўналишдаги тарбия; ҳуқуқий билимларини ривожлантириш йўналиши ва бошқалар.

ИИВ Академиясида курсантлар ва тингловчиларга қонунчилик бузилишини олдини олиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, ватанпарварлик, ички ишлар органлари ходимларининг Қасамёдига содиқлик, қонунчилик меъёрлари ва Ички ишлар вазирлигининг амалдаги меъёрий ҳужжатлари талабларини бажариш, ўз қўл остидаги ходимлари билан яқка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб бориш, уларнинг оилавий аҳволини ўрганиш, ота-оналари ҳамда оила аъзолари билан суҳбат ўтказишнинг афзалликлари кабилар ўргатилади.

Улар учун режалаштирилаётган ҳар бир тадбир мазмунида Ватанга муҳаббат ва комил инсон тарбияси акс этиши лозим. Курсантларда Ватанга муҳаббат туйғусини тарбиялашда энг аввало буюк бобокалонларимизнинг бизларга қолдирган мерослари, уларнинг дунёни ҳайратда қолдирган жасорати, юртимиз тарихи, муайян даврлардаги мавқеи, мамлакатимизнинг ёрқин истиқболга ишонч тўғрисида маълумот берилади. Ватанни севиш, унинг равнақи ҳақида қайғуриш имон-эътиқод рамзи эканлиги уқтирилади. Шу нуқтаи назардан асосий мақсад – комил инсонни тарбиялаш амалга оширилади[3, Б.138 ].

Бугунги шароитда курсантларни ахлоқимизга зид бўлган иллатлардан ҳимоя қилиш долзарб вазифадир. Ахлоқ ва одоб билан белгиланган маънавий фазилатлар инсонлар ўртасидаги барча муносабатларга сингиб кетганидан кейингина чинакам ахлоқий аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам ахлоқий қадриятлар барча даврларда инсоннинг маънавий камолоти, этика ва эстетикаси жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилган. Барча ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муаммоларни ҳал этиш имконияти инсон шахсини тарбиялаш орқали яратилган[4, Б.116 ]. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг бош мезони, маънавий-маърифий соҳадаги янгиланишларнинг асосий йўналишлари, замонавий дунёқарашни шакллантираётган муҳим омиллар бевосита этика-эстетиканинг умуман олганда ахлоқнинг маънавий тизимида муҳим ўрин тутганлигидан далолат беради.

Шунингдек, этика ва эстетик йўналишдаги тарбияда курсант, тингловчининг ўқуқ ва хизмат жараёнида, хизматдан ташқари пайтда сўзлашиш одобига, муомила маданиятига эътибор бериб, фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиш, уларнинг мурожаатларини диққат билан тинглаши, ваколат доирасида холисона кўриб чиқиши ва масалани ҳал қилиш зарурлиги сингдирилади.



Маълумки инсонларнинг ҳуқуқий онгини оширмасдан ҳуқуқий фуқаролик давлатни тасаввур этиб бўлмайди. Ҳуқуқий онг пойдеворига ўқув муассасаларда асос солинади. ИИБ Академиясида курсант ва тингловчиларга ҳуқуқий билимлар, ижтимоий ҳаёт меъёрлари ва қоидалари тўғрисида кенг маълумотлар бериб борилади. Ҳуқуқий таълимнинг мазмуни мустақил Ўзбекистон давлатининг иқтисодий, маънавий, сиёсий-ҳуқуқий манфаатларини ўзида мужассамлаштириши керак[5, Б 175].

ИИБ Академиясида курсант ва тингловчилар истеъдоди ва иқтидорини намоён қилишга доир шарт-шароитлар яратиб бериши лозим бўлади. Тавсия этиладиган тарбиявий тадбирларнинг татбиқ қилиниши курсантлар таълим-тарбиясини янада такомиллаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари таълим жараёнини ташкил этишда аниқ йўналишларни белгилаб беради ва у замон талаблари асосида ташкил этилади. Бу борада профессор-ўқитувчиларнинг жавобгарлиги ҳам оширилади.

Курсант ва тингловчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари сифатида маънавиятини шакллантиришда ватанпарварлик тарбияси барча даврларда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келган. Мустақил мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида бугунги кунда чуқур ўзгаришлар рўй бераётганлиги, айниқса, маънавий соҳада жуда катта имкониятлар яратилганлиги қувонарли ҳолдир. Зеро, бу соҳада бажариладиган ишлар, тадқиқ қилишга муҳтож муаммолар жуда кўп. Бу долзарб муаммолардан бири, миллий ва ватанпарварлик тарбия масаласидир. Албатта, халқимизнинг тарбия борасидаги етук миллий маънавияти ҳамма вақт умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисми бўлиб келган. Тарбия шахс онгини муайян жамиятнинг мақсади ва ривожлантириш жараёни, кишиларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга қаратилган барча таъсирлар мажмуидир. Шунинг учун ҳам, тарбия курсант ва тингловчилар маънавияти шаклланиши ва ривожланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Тарбия олдида турган асосий мақсад ўсиб келаётган авлод онгида кекса авлод доно тажрибасини сингдириш, инсоний фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш, Ватан ва миллат олдидаги бурч ва масъулиятни ҳис қилишга ўргатиш, қонунларга риоя этиш фазилатларини қарор топтиришдан иборатдир. Чунки Ватанга содиқлик, ватанпарварлик ўзининг қудратли илдизлари билан оила, авлод-аждодларнинг ор-номусига чуқур эҳтиром билан қарашга, инсоннинг ўз виждони ва бурчига содиқлигига бориб тақалади. Ўзбек халқининг юксак миллий қадриятлари ватанпарварлик, миллий ғурурни маънавий юксалтириш, жамият равнақи йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишда ёрдам беради.

Адабиётларда тарбиянинг анъанавий, замонавий турлари ва усулларининг жуда кўплиги алоҳида қайд этиб ўтилган. Масалан, умуминсоний, миллий, руҳий, дунёвий, ахлоқий, эстетик, ижтимоий, оилавий, тарихий, диний, иқтисодий, маънавий, шажаравий, сиёсий, жисмоний, экологик, ҳарбий, ватанпарварлик ва ҳоказо турлари мавжуддир[6, Б.128]. Шулардан курсант ва тингловчилар маънавиятини шакллантиришда бошқа тарбия турлари қаторида миллий ва ватанпарварлик тарбиялари ҳам муҳим ўрин тутади. Ватанпарварлик тарбиясини шакллантириш ва такомиллаштириш инсоннинг туғилишидан то умрининг охиригача давом этадиган



жараёнدير. Чунки ватанпарварлик тарбияси, ёш авлоднинг замирида комил инсонни тарбиялаш вазифаси ётади. XXI асрдан бошлаб инсоният тараққиёти маънавий-маърифий жиҳатдан бой, интеллектуал авлод қўлига ўтади. «Янги минг йилликда давлатларнинг, халқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий-маърифий бойлик ҳал қилади». Бунинг айна ҳақиқат эканлигини ўтаётган даврнинг ўзи исботламоқда. Ҳуқуқий, демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, унда яшаётган ёшларнинг миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш аввало, оиладан бошланади. Бунда ота-она ўз фарзандларига аждодларимиз тарихи, уларнинг қаҳрамонлиги, жамиятдаги обрў-эътибори ҳақида, Ватанни севиш ҳиссиёти билан гапириб бермоғи, шу асосида ёш авлодда Ватан туйғусини уйғотмоғи лозим. Ҳақиқий севги, ватанпарварлик – шу Ўзбекистонни севиш, халқ учун хизмат қилиш, жонини ҳам фидо этишдир. Қаерда бўлса ҳам Ватан, халқ манфаатлари учун фидокорона курашувчи кишигина ҳақиқий ватанпарвардир.

Курсант ва тингловчиларда ҳақиқий ватанпарвар инсон такаббурликка, фақат ўз манфаатини ўйловчи шахс бўлишга мутлақо йўл қўймайди ва халқидан ўз манфаатини устун қўймайди, ҳамма вақт халқ билан бир жон, бир тан бўлади. Агар курсант ва тингловчилар ўз она-Ватанини севмаса, унга садоқат билан қарамаса, ҳақиқий баркамол инсон бўла олмайди. Инсонийликнинг энг муҳим фазилати ҳам ватанпарварликдир. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев бу борасида сўз юритиб, «Ишончим комилки, ана шундай буюк маънавий қудрат манбаи бор экан, эл-юртимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, Ватанимиз мустақиллигига ҳеч қандай ёвуз куч раҳна сололмайди, демократик ислоҳотларимиз йўлидан ҳеч қачон ортга қайтара олмайди»[7] деб таъкидлаган эдилар. Чунки мустақил Ўзбекистоннинг барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлари ватанпарварлик тарбиясини мустақиллик мафқураси асосида шакллантириш ва ривожлантириш улкан аҳамият касб этади.

Аждодларимизнинг юксак маънавияти, ватанпарварлиги бизга ҳар жиҳатдан юксак ибрат ва намунадир. Уларнинг тарихда кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари, ҳаттоки бир ҳовуч Ватан тупроғи учун ширин жонларини қурбон қилишдек жасоратлари, келажак авлодларга мерос қилиб қолдирган бебаҳо маънавий-маданий мерослари, ёдгорликлари ёш авлоддан улар каби ватанпарвар, юксак маънавиятли бўлиб камол топишни талаб этади.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг: «Биз баҳодир ва довюрак ҳарбийларимиз билан – ўзининг муқаддас қасамёдига содиқ қолиб, хизмат бурчини ерда ҳам, кўкда ҳам шараф ила адо этаётган юртимизнинг забардаст ўғлонлари билан ҳақли равишда фахрланамиз»[8], дея айтган улуғвор ғояларида ана шундай эзгу мақсад мужассамдир. Шундай экан, таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир ИИВ Академияси профессор-ўқитувчилар курсант, тингловчиларни, аввало, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, уларнинг онги ва қалбига она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ғояларини чуқур сингдиришга муҳим вазифа сифатида қараши лозимдир.



## References:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/4081>
2. Акимова О.Б., Исмаилова З.К., Махсудов П.М., Уткина С.Н. Методика профессионального обучения. - Т., 2020. – 146 с.
3. Иноятов У.И., Муслимов Н.А., Рўзиева Д.И., Усмонбоева М.Х. Педагогика: нопедагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик.- Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2016. - 256 бет.
4. Ҳақимова М.Ф., Лутфуллаева Н.Х., Абдуллаева Р.М. Махсус фанларни ўқитиш методикаси. -Т., 2019.-138 б.
5. Исамитдинов С., Мадғофурова Д. ва бошқалар. Психология ва педагогика асослари. - Т.: Фан ва технология, 2014. – 116 б.
6. Хаджабоев А, И.Хусанов. Касбий таълим методологияси. -Т.: Фан технология. 2006. - 175 б.
7. Чичерина Я.И., Нуркелдиева Д.А., Якубжанова Д.Я. Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси. - Т.: Фан ва технология, 2014. – 128 б.
8. <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-respublikasi-qurolli-kuchlari-tashkil-etilganining-29-yilligi-va-vatan-himoyachilari-kuni-munosabati-bilan-bayram-tabrigi>
9. <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-respublikasi-qurolli-kuchlari-tashkil-etilganining-29-yilligi-va-vatan-himoyachilari-kuni-munosabati-bilan-bayram-tabrigi>